

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИМОВ ЛАЗИЗБЕК АЗАМАТ ЎҒЛИ

**АМИНЛАР БИЛАН ГАЗЛАРНИ ТОЗАЛАШ ЖАРАЁНИДА ПЎЛАТНИ
КОРРОЗИЯДАН ИНГИБИРЛАШНИНГ ФИЗИК–КИМЁВИЙ
АСОСЛАРИ**

02.00.04 - Физик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Chemical sciences**

Азимов Лазизбек Азамат ўғли

Аминлар билан газларни тозалаш жараёнида пўлатни коррозиядан
ингибирлашнинг физик-кимёвий асослари. 3

Азимов Лазизбек Азамат угли

Физико-химические основы ингибирования коррозии стали в процессе
очистки газов аминами. 21

Azimov Lazizbek Azamat ugli

Physical and chemical principles of steel corrosion inhibition in process of gas
purification by amines. 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works. 42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИМОВ ЛАЗИЗБЕК АЗАМАТ ЎҒЛИ

**АМИНЛАР БИЛАН ГАЗЛАРНИ ТОЗАЛАШ ЖАРАЁНИДА ПЎЛАТНИ
КОРРОЗИЯДАН ИНГИБИРЛАШНИНГ ФИЗИК–КИМЁВИЙ
АСОСЛАРИ**

02.00.04 - Физик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/K232 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-kimyو.nuuz.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Акбаров Ҳамдам Икромович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қутлимуротова Нигора Хақимовна
кимё фанлари доктори, доцент

Бердимуродов Элёр Тўхлиевич
кимё фанлари бўйича PhD, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K.01.03 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «18» 12 соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (130) рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил « 6 » 12 кун таркатилди.

(2021 йил « 6 » 12 даги 18- рақамли реестр баённомаси).



З.А. Сманова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.А. Гафурова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, к.ф.д.

М.Г. Мухамедиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда саноатнинг турли тармоқларида металллар коррозиясини олдини олиш ва ундан сақлашда ишлатиладиган ингибиторлар ва антикоррозион қопламаларга талаб ортиб бормоқда. Шу билан бирга асосий эътибор экологик хавфсиз, иқтисодий тарафдан талабга жавоб берувчи маҳаллий хомашёларга қаратилмоқда. Индивидуал ингибиторлардан воз кечган ҳолда саноат чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотлар асосида кўп компонентли ҳамда табиий бирикмалар асосида “яшил” ингибиторлар яратишга қизиқиш ортиб бормоқда. Шунинг учун коррозияга қарши ингибиторлар ва антикоррозион қопламаларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда коррозия ва ингибирлашнинг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш, ушбу жараёнларнинг механизмларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Металллар коррозиясини ингибирлаш жараёнининг термодинамик функцияларини аниқлаш, коррозияни ингибирлаш жараёнига турли адсорбцион моделларни қўллаш имкониятларини кўрсатиш ва жараённинг кинетик параметрлари ва термодинамик функцияларини аниқлаш, моддаларнинг ингибирлаш механизмини уларнинг кимёвий табиати ва иккинчи компонентнинг иштирокига боғлиқлигини ўрнатишда электрокимёвий усуллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида ишлаб чиқариш соҳаларига замонавий технологияларни қўллаш борасида кенг қамровли дастурлар яратилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «юқори сифат даражага ўтказиш йўли билан саноатни кўтариш, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ва технологияларни ўзлаштириш» га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган¹. Шу сабабдан маҳаллий хомашёлар асосидаги ингибиторлар ва антикоррозион қопламалар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

технологиялар ривожланишининг VII. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жахонда олимлар томонидан олиб борилаётган кўпгина илмий-тадқиқот ишлари коррозия ингибиторларининг янги авлодини ишлаб чиқаришга бағишланган. Адабиётлар шарҳи шуни кўрсатадики, жуда кўп ишлар (Ю.Р. Эванс, Т.П. Хор, И.Л. Розенфельд, R.P. Frankental, D. Brasher, K.Z. Schwabe, С.З. Левин, Ю. Королев, В. Путилов) электрокимёвий усуллар тадқиқотларига бағишланган бўлиб, уларда ингибиторлар сифатида турли хил материаллар қўлланилган. Бугунги кунда коррозия ингибиторлари тадқиқотларида физик-кимёвий, электрокимёвий ва бошқа турли усуллар ишлаб чиқилган, бироқ технология ривожланиши билан коррозия жараёнида органик бирикмаларни ингибитор сифатида таъсир қилиш механизми ҳамда пўлат сиртига таъсирини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон олимлари, жумладан Г.А. Цыганов, Р.С. Тиллаев, А.Т. Джалилов, Ф.К. Курбанов, Д. Юсупов, В.П. Гуро, З.Б. Таджиходжаев, Х.И. Акбаров, А.Икрамов ва бошқалар металлларни коррозиядан ҳимоялаш муаммосини ҳал қилишда ҳамда ингибиторлар сифатида ишлатиладиган кимёвий бирикмаларни янги авлодини синтез қилиб олинишида ўз илмий тадқиқотлари билан катта ҳисса қўшганлар. Пўлат сиртининг органик ва фосфат бирикмалар асосидаги ингибиторлар билан ингибирланиш механизми кизиқарли ҳамда ўрганилмаган савол бўлиб қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-12-46 «Полиэлектролитларнинг коррозияга бардош самарадорлигини ошириш ва уларни қўллаш» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Аминлар билан газларни тозалаш жараёнида пўлатни коррозиядан ингибирлашнинг физик-кимёвий асосларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

синтез қилинган бирикмаларнинг квант-кимёвий тавсифларини аниқлаш; коррозия жараёнининг кинетикаси, токи ва тезлиги, тормозланиш коэффициенти, ҳимоялаш даражаси, электрод сиртининг қопланиш жараёнларининг ингибитор концентрацияси, температура ва компонентларнинг таркибидан боғлиқлигини аниқлаш;

Ифлосланган амин эритмасидаги металллар коррозиясини ингибирлаш жараёнининг термодинамик функцияларини Аррениус бўйича ва транзит ҳолатлар усулида аниқлаш;

коррозияни ингибирлаш жараёнига турли адсорбцион моделларни қўллаш имкониятларини кўрсатиш ва жараённинг кинетик параметрлари ва термодинамик функцияларини аниқлаш;

моддаларнинг ингибирлаш механизмини уларнинг кимёвий табиати ва иккинчи компонентнинг иштирокига боғлиқлигини ўрнатиш;

Ифлосланган аминли эритмада ингибиторлар самарадорлигини ўрганиш бўйича лаборатория синовларини ўтказиш ва уларни нефтгаз саноати корхоналарига тадбиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фосфор тутган гетероциклик бирикмалар, супрамолекуляр комплекслар, полиэлектролитлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети ингибирлаш механизмини аниқлаш ва бу турдаги ингибиторларга хос умумий қонуниятларни аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда қутбланиш эгрилари, қутбланиш қаршилиги, гравиметрик, компьютерда моделлаштириш, квант-кимёвий, электрон микроскопик усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор икки компонентли “полиэлектролит-фосфон кислотаси ҳосилалари” системасида эквимоляр нисбатларда синергетик эффект мавжудлиги аниқланган;

илк бор тадқиқ қилинган бирикмалар ингибирлаш самараси “полимер асосидаги икки компонентли системалар < госсипол ҳосилаларининг супрамолекуляр комплекслари < индивидуал бирикмалар” қаторида камайиб бориши аниқланган;

фосфон кислотанинг гетероциклик ҳосилаларининг металл сиртига мономолекуляр механизм бўйича адсорбцияланиши исботланган;

синтез қилинган бирикмаларнинг квант-кимёвий тавсифларини аниқлаш асосида ингибирлаш жараёнига масъул бўлган фаол марказлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

полиэлектролитлар ва фосфон кислотаси ҳосилалари ҳамда супрамолекуляр комплекслар ифлосланган аминли эритмада самарали коррозия ингибиторлари эканлиги исботланган;

металлар коррозиясига қарши ишлаб чиқилган янги ингибиторларнинг ингибирлаш механизми термодинамик ва адсорбцион тадқиқотлар асосида аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Асосий илмий натижалар ва хулосалар замонавий электрокимёвий, физик-кимёвий усуллар, квант-кимёвий тавсифларни ҳисоблаш, ўрганилган жараёнларнинг кинетик параметрлари ва термодинамик функцияларини аниқлаш орқали асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган ингибиторларнинг кимёвий табиати билан антикоррозион хоссалари орасида ўзаро боғлиқлик кўрсатилгани ва кинетик параметрлар, термодинамик функцияларни аниқлаш орқали индивидуал бирикмалар ва композицияларнинг ингибирлаш механизми ўрнатилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти металлар коррозиясини ифлосланган аминли эритмада самарали ингибирловчи индивидуал ва композицион ингибиторларни ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Таркибида азот, фосфор тутган бирикмалар металлари коррозиядан сақлашда ингибиторлар сифатида қўлланилганда олинган илмий натижалар асосида:

органик бирикмалар ва уларни композициялари Муборак газни қайта ишлаш заводида амалиётга жорий этилган (Муборак газни қайта ишлаш заводининг 2020 йил 30 июндаги №825/GK-06-сонли маълумотномаси). Натижада, метилдиэтаноламиннинг 35-40% ли сувли эритмаси билан табиий газни нордон компонентлар, яъни H_2S ва CO_2 лардан тозалашда металл коррозиясини олдини олиш имконини берган;

диссертация доирасида олинган натижалардан ОТ-Ф7-85 рақамли «Аминометеленфосфат кислотаси асосидаги алифатик ва гетероциклик металл коррозияси ингибиторларини синтези ва физик-кимёвий хоссалари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада ингибиторларнинг таъсир механизмига оид қонуниятларни келтириб чиқаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9-июльдаги 89-03-2492 сонли маълумотномаси). Натижада, кўп компонентли ингибиторларнинг оптимал нисбати топиш ва уларнинг таъсир механизмига оид қонуниятлар келтириб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан 2 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 5 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола республика, 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.²

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари келтирилган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фани ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга тадбиқ қилиниши очиқ берилган ва чоп этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Металлар коррозиясининг замонавий**

² Муаллиф, диссертация ишини бажаришда берган илмий маслаҳатлари учун, к.ф.д., проф. А.Ж. Холиқов ва к.ф.д., доц. Н.Т. Каттаевларга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.


назариялари” деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб, унда турли муҳитларда металллар коррозиясининг замонавий назариялари, металлларни коррозиядан химоя қилишнинг асосий усуллари, индивидуал ва кўп компонентли ингибиторларни қўллаш асослари ва уларнинг таъсир механизмлари кўриб чиқилган. Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш ишнинг мақсади ва вазифаларини асослашга ва тадқиқот объектларини танлашга имкон берди.

Диссертациянинг **“Ингибиторларнинг физик-кимёвий хоссалари ва самарадорлигини ўрганишда фойдаланилган материаллар ва объектлар”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари сифатида фосфон кислотасининг гетероциклик ҳосилалари, госсиполнинг сувда эрувчан супрамолекуляр комплекслари ва полиэлектродитлар (ГИПАН, УНИФЛОК, Na-КМЦ) ва уларнинг композициялари олинганлиги баён этилган. Намуналарнинг структура формулалари ва айрим физик-кимёвий хоссалари келтирилган. Ишчи эритма ҳисобланган ифлосланган аминли эритма ва металл намунасидан электродларни тайёрлаш, ингибиторларнинг физик-кимёвий хоссалари ва самарадорлигини ўрганиш усуллари ҳамда тажриба натижаларини замонавий назариялар асосида қайта ишлаш ва таҳлил қилиш баён этилган.

Диссертациянинг **“Бир ва кўп компонентли системаларнинг коррозиядан ингибирлаш хоссалари ва самарадорлиги”** деб номланувчи учинчи бобида электрокимёвий ва гравиметрик тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Ингибиторларнинг антикоррозион хусусиятларини аниқ ва айна пайтда тезкор аниқлашнинг усулларида бири турли хил шароитларда темир электрод ёки пўлатнинг қутбланиш қаршилигини экспериментал ўрганишдир. Қутбланиш қаршилиги ортиши металл юзасида электр токини ёмон ўтказувчи парда (антикоррозион химоя қоплами) шаклланиши билан боғлиқ. Ушбу химоя қатлами металл юзасини эритма билан таъсирлашишини ёмонлаштиради. 1,а-расмда индивидуал ингибиторларнинг қутбланиш қаршилигини ўлчаш натижалари келтирилган. Улардан кўриниб турибдики, индивидуал ингибиторларнинг ифлосланган аминли эритмага киритилиши қутбланиш қаршилигини оширади ва ингибитор концентрацияси ортиши билан қаршилик ортиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Фон эритманинг қаршилиги 39 ом/см² га тенг бўлмоқда. ОПМФК ингибитори эритмага киритилгач 24 соатдан сўнг қаршиликнинг қиймати 313 ом/см² га, ТГМФК ингибитори фон эритмага қўшилганда 329 ом/см² га, НФМФК ингибитори ишчи эритмага солингач 376 ом/см² га етмоқда. Ушбу натижа электрокимёвий жараённинг кескин ингибирланаётганини кўрсатади ва бизга турли хил ингибиторларнинг самарадорлиги бўйича дастлабки натижаларни олиш имконини беради.

Госсиполнинг сувда эрувчан супрамолекуляр комплексларининг ингибиторлик хоссаси янада яхшироқ эканлиги текширишлар натижасига кўра аниқ бўлди (1,б-расм). 293 К ҳароратда ва 40 мг/л концентрацияда супрамолекуляр комплекслар тутган эритманинг қутланиш қаршилиги 24 соат ичида 864-1028 ом/см² қийматга етди. Қутбланиш қаршилиги усулида олинган натижалар асосида қўлланилган бирикмаларнинг коррозиядан химоялаш

даражалари ва тормозланиш коэффициентлари ҳисоблаб чиқилди.



1-расм. 293 К ҳароратда фон эритмада ва индивидуал ингибиторлар $C_{inh}=100$ мг/л (а) ва супрамолекуляр комплекслар $C_{inh}=40$ мг/л (б) иштирокида пўлат электроднинг қутбланиш қаршилигининг кинетик эгрлари.

Концентрация ортиши билан супрамолекуляр комплексларда антикоррозион самарадорлик сезиларли равишда ортмоқда. Мисол учун ГТ+ПВХ ингибиторининг антикоррозион самарадорлиги 24 соатдан сўнг концентрация 40 мг/л гача ортиши билан 90,82 % дан 96,21 % гача ортаётганлигини, ГТ+ПВП ингибиторида эса 81,94 % дан 96,05 % гача, АПГ+ВРАЦ ингибиторида эса 80,10 дан 95,49 % гача ортаётганлигини кўришимиз мумкин. Тормозланиш коэффициенти ҳақида ҳам айтишимиз мумкин. Буни супрамолекуляр комплекслар асосидаги ингибиторларни жуда ҳам кичик концентрацияларда ишлатаётганимиз (10-40 мг/л, индивидуал ингибиторларга нисбатан 2,5 баравар кам миқдорда) билан изоҳлашимиз мумкин. Концентрация жуда ҳам кичик бўлишига қарамасдан госсиполнинг сувда эрувчан супрамолекуляр комплексларининг ингибиторлик хоссаси жуда юқори эканлигини кузатдик.

Ингибиторловчи системалар иштирокидаги электрод жараёнлар кинетикасига турли омилларнинг таъсири тадқиқ этилди. Оддий ҳолатда, металлларнинг эрувчан маҳсулотлари (яъни Me^{n+} ионлари) ҳосил бўлиши билан борадиган коррозия жараён металлларни эриш жараёни дейилади. Металл атомларидан металл ионларининг ҳосил бўлиши, масалан, кислотали электролит эритмасида, қуйидаги реакциялар тўплами билан ифодаланиши мумкин: $Me \rightarrow Me^{n+} + ne^-$ ажралиб чиққан электрон водород ионига бирикади: $H_3O^+ + e^- \rightarrow \frac{1}{2} H_2 + H_2O$. Шундай қилиб бир вақтда металлда иккита - анод ва катод реакциялари содир бўлади. Электронларнинг ўтказилиши металл юзасида амалга оширилади ва ионларнинг ҳаракати электролитда бўлади. Электрохимий жараён давомида анод ва катод потенциаллари E_a ва E_k тенглашиб, стационар ёки аралаш (компромис) деб аталадиган потенциал $E_{ст}$ юзага келади. $E_{ст}$ пайдо бўлган вақтда катод ва анод тоқлари тенглашади: $i_a = i_k = i_{кор}$, бу ерда $i_{кор}$ коррозия токи (тезлиги), ёки металлнинг ўз-ўзидан эриши. Агарда бу ҳолатда электрод жараёнлар давом этмаса, у ҳолда электрод потенциаллари тенглашиб, тўлиқ қутбланиш юз беради ва коррозия жараёни

тўхтайди.

1-жадвал

Пўлат электроднинг 293 К да қутбланиш қаршилигининг кинетик эгриларидан икки компонентли ингибиторларнинг самарадорлигини аниқлаш натижалари


Ингибитор	$C_{инг}$, мг/л	R, Ом/см ²	γ	η , %
ОПМФК+ ГИПАН	0	39	-	-
	10	327	8,38	88,073
	20	449	11,51	91,31
	30	728	18,66	94,64
	40	1263	32,38	96,91
ТГМФК+ ГИПАН	0	39	-	-
	10	294	7,54	86,73
	20	422	10,82	90,76
	30	647	16,59	93,97
	40	1128	28,92	96,54
НФМФК+ УНИФЛОК	0	39	-	-
	10	313	8,03	87,54
	20	417	10,69	90,65
	30	847	21,712	95,39
	40	1347	34,54	97,10

Ингибиторли системалар иштирокидаги электрод жараёнлар кинетикасига турли омилларнинг таъсири тадқиқ этилди. Оддий ҳолатда, металлларнинг эрувчан маҳсулотлари (яъни Me^{n+} ионлари) ҳосил бўлиши билан борадиган коррозия жараён металлларни эриш жараёни дейилади. Металл атомларидан металл ионларининг ҳосил бўлиши, масалан, кислотали электролит эритмасида, қуйидаги реакциялар тўплами билан ифодаланиши мумкин: $Me \rightarrow Me^{n+} + ne^-$ ажралиб чиққан электрон водород ионига бирикади: $H_3O^+ + e^- \rightarrow \frac{1}{2} H_2 + H_2O$. Шундай қилиб бир вақтда металлда иккита - анод ва катод реакциялари содир бўлади. Электронларнинг ўтказилиши металл юзасида амалга оширилади ва ионларнинг ҳаракати электролитда бўлади. Электрохимий жараён давомида анод ва катод потенциаллари E_a ва E_k тенглашиб, стационар ёки аралаш (компромис) деб аталадиган потенциал $E_{ст}$ юзага келади. $E_{ст}$ пайдо бўлган вақтда катод ва анод тоқлари тенглашади: $i_a = i_k = i_{кор}$, бу ерда $i_{кор}$ коррозия токи (тезлиги), ёки металлнинг ўз-ўзидан эриши. Агарда бу ҳолатда электрод жараёнлар давом этмаса, у ҳолда электрод потенциаллари тенглашиб, тўлиқ қутбланиш юз беради ва коррозия жараёни тўхтайди.

Госиполнинг супрамолекуляр комплексларининг антикоррозия фаоллигини қутбланиш эгрилари усулида ҳам текширилди, тажриба

натижалари кўрсатишича, ингибиторларнинг мақбул концентрациясини 40 мг/л ни ташкил қилди.

2,а-расмдан фон эритмага қўшилгач супрамолекуляр комплекслар индивидуал ингибиторларга нисбатан стационар потенциални кўпроқ миқдорда ўнгга силжитганини кўриш мумкин. Коррозион токнинг қиймати ҳам кичикроқ бўлмоқда. Ҳимоялаш даражалари ва тормозлаш коэффициентининг қийматлари ҳам буни тасдиқлади.



2-расм. Пўлат электроднинг 293 К да фон эритмада ва 40 мг/л госсиполнинг супрамолекуляр комплекслари тутган (а) ва полимер типдаги икки компонентли ингибиторлар (б) эритмаларда қутбланиш эгрилари.


Супрамолекуляр комплексларда жуда ҳам юқори бўлган антикоррозион самарадорликни уларнинг молекуласининг шаклининг йириклиги ҳамда молекуласида мавжуд бўлган металл билан таъсирлаша оладиган кўплаб функционал гуруҳлар билан изоҳлашимиз мумкин. Ушбу тузилиш уларга металл юзасини жуда ҳам яхши қоплаб олишига ва у ерда мустаҳкам ўрнашишига ёрдам беради.

Кўп компонентли ингибиторларнинг турли ҳарорат, нисбатлар ва концентрацияларда фон эритмага қўшилганда уларнинг қутбланиш эгрилари ўрганилди. 2,б-расмда кўп компонентли ингибиторларнинг 293 К ҳароратда, 1:1 нисбатда ва 40 мг/л концентрациядан фон эритмага қўшилганда уларнинг қутбланиш эгриларини кўришимиз мумкин. Кўп компонентли ингибиторларда ҳам индивидуал ингибиторлар ва супрамолекуляр комплекслар каби стационар потенциал ўнгга силжимоқда ва коррозион ток миқдори кескин камаймоқда. Кўп компонентли ингибиторларнинг коррозиядан ҳимоялаш даражаси индивидуал бирикмалар ва супрамолекуляр комплексларнинг ҳимоялаш хусусиятидан юқори эканлиги кўриниб турибди. Икки компонентли ингибиторларнинг эквимолар нисбатида синергетик эффект кузатилди ва ҳимоялаш даражаси 98,32 % гача етди. Шундай қилиб, қутбланиш эгрилари усулида олинган натижалар қутбланиш қаршилиги усулидаги натижаларни тасдиқламоқда.

Коррозия жараёнини ингибирлаш ва адсорбция жараёнларини электрохимёвий усулларда ўрганиш асосида олинган тажрибавий натижалар, кинетик параметрлар ва термодинамик функциялар қийматларини тасдиқлаш

учун гравиметрик тадқиқотлар ўтказилди. Ушбу жараёнларга ингибиторларнинг концентрацияси, температура, компонентлар нисбати таъсирлари ва жараёнларнинг кинетикаси ўрганилди.

Барча ҳолларда ингибитор концентрацияси ортиши ва 100 мг/л га етиши билан максимал ҳимоялаш даражаси кузатилди. Индивидуал ингибиторларда температура ортиши билан ҳимоялаш даражаси камаяди. Супрамолекуляр комплекслар учун ҳам шундай қонуниятлар кузатилди: концентрация ортиши билан ҳимоялаш даражаси ортади, температура ортиши билан ингибитор самараси камаяди.



3-расм. 293 К да пўлат электроднинг $C_{инг}=40$ мг/л концентрацияда коррозия тезлигининг композициянинг компонентлар нисбатига боғлиқлиги


Композицион ингибиторларда эса, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, эквимоляр нисбатда синергетик эффект кузатилади (3-расм). Температура ортиши билан ингибиторнинг самарадорлиги деярли ўзгармайди. Бундай қонуният металл сиртида ингибитор физикавий адсорбцияланиш билан бир пайтда кимёвий адсорбция ҳам кузатилишидан далолат беради.

Диссертациянинг “**Коррозия ва ингибирлаш жараёнларининг кинетик ва термодинамик параметрларини аниқлаш**” деб номланган тўртинчи бобида ингибирлаш жараёнида кинетик ва термодинамик катталикларни ўзгаришини аниқлаш орқали жараённинг табиати, ингибиторларнинг таъсир механизмлари ҳақида фикр юритилган. Аррениус тенгламасидан $\log K = f(1000/T)$ боғлиқлик графигидан фаолланиш энергияси аниқланди (4-расм).

Қуйидаги тенгламадан коррозия ва ингибирлаш жараёнларида энтальпия ва энтропияларнинг ўзгариши топилди:


$$K_{\text{грав}} = \frac{RT}{Nh} \exp\left(\frac{\Delta S_{\phi}}{R}\right) \exp\left(-\frac{\Delta H_{\phi}}{RT}\right)$$

бу ерда N – Авогадро сони, h – Планк доимийси қиймати $6,626 \cdot 10^{-34}$ м²·кг/с.



4-расм. Пўлат электроднинг 293 К да фон эритмада ва ОПМКФ нинг турли концентрацияларида Аррениус (а) ва транзит-ҳолат (б) боғланишлар.

Транзит-ҳолат эгрилари $\log(K/T) = f(1000/T)$ боғлиқлик графигидан ва стандарт энтальпия ўзгариши $slope = -\Delta H_{\phi} / 2,303R$, энтропия ўзгариши $intercept = \left[\log \frac{R}{Nh} + \left(\frac{\Delta S_{\phi}}{2,303R} \right) \right]$ тенгламалардан аниқланди. Фаоланиш энергияси ва энтальпиянинг фарқи Лейдер бўйича ингибиторнинг металл юзасига қопланишининг табиатини белгилаб беради. Худди шундай усулда ТГМФК ва НФМФК бирикмалари учун ҳам жараёнларнинг фаоланиш энергиялари, транзит-ҳолат боғланишлари, энтальпия ва энтропия кийматларининг ўзгаришлари аниқланди (5-расмлар).



5-расм. Пўлат электроднинг 293 К да фон эритмада ва НФМКФ нинг турли концентрацияларида Аррениус (а) ва транзит-ҳолат (б) боғланишлар.

2-жадвалдан кўришиб турибдики, ингибитор мавжуд бўлмаган ва ингибитор тутган эритмаларда ΔH_{ϕ} мусбат бўлиб, жараён эндотермик экан. Демак, ушбу жараёнлар кўшимча энергия талаб қилар экан. Ингибитор мавжуд бўлган эритмаларда энтальпиянинг ўзгариши ингибиторсиз

эритманинг энтальпиянинг ўзгаришидан катта бўлди, ингибитор концентра-


2-жадвал

Пўлат электроднинг 293 К да коррозияси ва турли концентрацияларда индивидуал ингибиторлар тутган эритмаларда ингибирлаш жараёнларининг термодинамик функциялари

Ингибитор	C, мг/л	E _ф , кЖ/моль	ΔH _ф , кЖ/моль	ΔS _ф , кЖ/(моль·К)
ОПМФК	0	6,07	3,52	-231,79
	25	15,02	12,46	-213,36
	50	18,47	15,92	-202,98
	75	21,56	19,01	-194,19
	100	25,57	23,01	-182,46
ТГМФК	0	6,07	3,52	-231,79
	25	14,94	12,39	-213,13
	50	20,30	17,75	-196,80
	75	22,24	19,69	-191,63
	100	29,01	26,46	-171,19
НФМФК	0	6,07	3,52	-231,79
	25	14,53	11,98	-217,18
	50	15,38	12,82	-215,04
	75	18,41	15,85	-206,43
	100	26,28	23,72	-182,26

цияси ортиши билан ΔH_ф ҳам ортиб борди. Ингибитор металл билан комплекс ҳосил қилади ва бу комплекларнинг ҳосил бўлиши учун қўшимча энергия талаб этилади. 3-жадвалнинг яна бир энг муҳим жиҳати шундаки, фаолланиш энтропиясининг қийматлари ингибитор билан манфий бўлиб, ингибитор-темир комплексининг ассоциацияси диссоциацияга қараганда анча барқарор эканлигини тасдиқлайди. Концентрация ортганда фаоллашган ингибитор-темир комплекси ҳосил бўлиб, тизимдаги тартибсизлик камаяди, бу эса фаоллаштирилган комплекс агрессив муҳитга қараганда анча барқарорлигини кўрсатади.

Супрамолекуляр комплекслар учун ҳам коррозия ва ингибирлаш жараёнлари учун термодинамик катталиклар Аррениус тенгламасидан ва транзит-ҳолат боғланишидан ҳисобланди (6-расм). Бунда фаолланиш энергияси, энтальпия ва энтропия ўзгаришлари топилди. Бундай боғланишлар бошқа супрамолекуляр комплекслар учун ҳам олинди.



6-расм. Пўлат электроднинг 293 К да фон эритмада ва ГТ+ПВП нинг турли концентрацияларида Аррениус (а) ва транзит-ҳолат (б) боғланишлар.

Ингибитор қўшилгач коррозион жараённинг фаолланиш энергияси 6-9 баравар ортмоқда (3-жадвал). Бу ингибиторлар коррозияни қийинлаштираётганлигини, коррозион жараёнда энергетик тўсиқ яратаётганлигини билдиради. Ингибитор концентрация ортиши билан фаолланиш энергияси ҳам сезиларли ортиб бормоқда.

3-жадвал

Пўлат электроднинг 293 К да коррозияси ва турли концентрацияларда супрамолекуляр комплекслар тутган эритмаларда ингибирлаш жараёнларининг термодинамик функциялари

Ингибитор	C, мг/л	E_{ϕ} , кЖ/моль	ΔH_{ϕ} , кЖ/моль	ΔS_{ϕ} , кЖ/(моль·К)
ТГ+ПВП	0	6,07	3,52	-231,79
	10	17,68	15,12	-207,13
	20	24,47	21,91	-187,12
	30	36,17	33,61	-151,82
	40	51,83	49,28	-104,87
ТХ+ПВП	0	6,07	3,52	-231,79
	10	18,66	16,10	-191,79
	20	23,61	21,05	-188,99
	30	39,81	37,25	-140,26
	40	60,91	58,36	-75,29
АПГ+Врац	0	6,07	3,52	-231,79
	10	18,66	16,10	-187,72
	20	23,61	21,05	-193,62
	30	39,81	37,25	-148,63
	40	60,91	58,36	-114,86

Эритмага ингибиторлар қўшилгач, энтальпия қиймати ҳам ортмоқда (4-жадвал). Ингибирлаш жараёни бир неча босқичда боради, дастлаб металл

юзасига адсорбция бўлган, бириккан сув, водород сульфид молекулалари чиқиб кетиши керак бўлади. Бу жараён энергия талаб қилади. Шундан кейингина ингибиторлар металл юзасига бирикади. Ингибиторни металл юзасига адсорбция бўлишида энергия чиқади. Ингибирлаш жараёнида энтальпия ўзгаришининг мусбат эканлигидан металл юзасига адсорбция бўлган молекулаларни чиқиб кетишида катта миқдорда энергия сарфланаётганлигини билишимиз мумкин.

Ингибитор қўшилмаган эритмада энтропия катта манфий қийматларга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Эритмага ингибитор қўшилгач металл юзасидан десорбция бўлаётган молекулалар ҳисобига металл сиртида энтропия қиймати ортмоқда. Қисқача хулоса қиладиган бўлсак, эритмага қўшилгач индивидуал ингибиторлар ҳам, супрамолекуляр комплекслар ҳам коррозия жараёнининг фаолланиш энергиясини ортдирмоқда. Бу коррозия жараён учун энергетик ғов яратаётганлигини билдиради. Ишчи эритмага ингибитор қўшилгач барча ҳолларда энтальпия ўзариши мусбат бўлмоқда ва фон эритмага нисбатан сезиларли даражада юқори бўлмоқда. Бу ингибирлаш жараёни кўп босқичли эканлиги билан изоҳланади. Барча ҳолатларда фаолланиш энергияси ва энтальпия ўзгаришининг фарқи 2,55 атрофида бўлмоқда. Бу ингибитор металл сиртига мономолекуляр адсорбция бўлаётганлигини билдиради.

Турли усулларда ўрганилаётган ингибиторнинг адсорбцияси унинг адсорбция изотермалари билан тавсифланди. Коррозияни ўрганишда асосан Ленгмюр, Фрумкин ва Темкин изотермаларидан фойдаланилади. Адсорбцион катталиклари куйида келтирилган тенгламалар орқали топилади:

$$\text{Фрумкин: } \frac{\theta_{\text{грав.}}}{1-\theta_{\text{грав.}}} \exp(-2f\theta_{\text{грав.}}) = K_{\text{адс.}} C_{\text{инг.}}$$


$$\text{Темкин: } \exp(f\theta_{\text{грав.}}) = K_{\text{адс.}} C_{\text{инг.}}$$

$$\text{Ленгмюр: } \frac{C_{\text{инг.}}}{\theta_{\text{грав.}}} = \frac{1}{K_{\text{адс.}}} + C_{\text{инг.}}$$

бу ерда $\theta_{\text{грав.}}$ қопланиш даражаси, $K_{\text{адс.}}$ адсорбция ва десорбция жараёнининг мувозанат доимийси, $C_{\text{инг.}}$ ингибитор концентрацияси.

Юқоридаги тенгламаларга асосан изотермалар чизилди ва изотермалардан адсорбцион мувозанат константалари аниқланди. Фрумкин ва Темкин изотермалари учун корреляция коэффиценти 1 га яқин бўлмагани сабабли улардан $K_{\text{адс.}}$ ни топишда фойдаланилмади. Барча ингибиторларнинг Ленгмюр изотермаларида корреляция коэффиценти 1 га жуда ҳам яқин эканлиги аниқланди ва адсорбцион мувозанат константаси ушбу изотермадан топилди (9-расм). Бунда эгрининг бурчак тангенси $1/K_{\text{адс.}}$ га эканлигидан фойдаланиб ҳисоб китоблар амалга оширилди.

Ленгмюр изотермалари экспериментал маълумотлар учун мос келиши расмлардан кўришиб турибди (7-расм) ва адсорбция параметрларини ҳисоблаш учун ишлатиш мумкин. Чизикли корреляция коэффиценти қийматлари барча концентрацияларда бирга яқин бўлиб, ингибиторлар металл намунаси юзасига Ленгмюрнинг мономолекуляр адсорбцияси содир бўлишини билдиради.



7-расм. ОПМФК нинг пўлат электродга Фрумкин (а), Темкин (б), Ленгмюр адсорбция изотермалари (в) ва Эллингем диаграммаси (д).

Худди шундай боғланишлар барча намуналар учун олинди ва адсорбция жараёнининг мувозанат константаси аниқланди ҳамда термодинамик функциялар ҳисобланди. $K_{\text{адс}}$ маълумотларидан адсорбциянинг стандарт Гиббс энергиясининг ўзгаришини аниқлаш учун фойдаланилади:

$$\Delta G_{\text{адс}}^0 = -2,303RT \log(55,55K_{\text{адс}})$$

бу ерда 55,55 сувнинг моляр концентрацияси.

Эллингем диаграммасидан (стандарт Гиббс энергияси ўзгаришининг ҳароратга боғлиқлиги) стандарт энтальпия ва энтропиялар ўзгаришлари қийматлари $\Delta G_{\text{адс}}^0 = \Delta H_{\text{адс}}^0 - T\Delta S_{\text{адс}}^0$ тенгламадан аниқланди ($\Delta H_{\text{адс}}^0 = \text{intercept}$, $\Delta S_{\text{адс}}^0 = \text{slope}$).

Барча ингибиторлар адсорбцияланишида Гиббс энергиясининг ўзгариши манфий қийматда бўлмоқда. Бу адсорбцияланиш ўз-ўзича бораётганлигини билдиради. $\Delta G_{\text{адс}}$ нинг қиймати 33-36 кЖ/моль миқдорда эканлиги адсорбция ҳам кимёвий, ҳам физикавий бўлаётганлигини билдиради. Адабиётларга кўра ингибиторлар металл юзасига физикавий адсорбция бўлишида Гиббс энергиясининг ўзгариши 20 кЖ/моль ва кимёвий адсорбция бўлишида $\Delta G_{\text{адс}}$ нинг қиймати 40 кЖ/моль атрофида бўлиши кўрсатилган. Ҳарорат ортиши билан Гиббс энергиясининг ўзгариши манфий томонга кўпроқ силжимоқда ва бу физикавий адсорбция камайиб, кимёвий адсорбция ортаётганлигини билдиради. $\Delta H_{\text{адс}}^0$ қийматининг манфий эканлиги (-6,73 кЖ/мольдан -11,64 кЖ/мольгача) ингибиторнинг металл юзасига бирикиш

жараёни экзотермик эканлигини билдиради. $\Delta S_{\text{адс}}^0$ қийматининг мусбат ва кичик эканлиги (74,7 Ж/моль·К дан 92,5 Ж/моль·К гача) металл юзасида тартибсизлик жуда ҳам паст эканлигини, адсорбцион плёнка ушбу муҳитда анча барқарор эканлигини кўрсатади.

Композицион ингибиторларда коррозия тезлиги, тармозланиш ва ўзаро таъсирлашиш коэффициентларининг компонентлар нисбатларига боғлиқлиги аниқланди. 293 К ҳароратда ва 40 мг/л концентрацияда ТГМФК+ГИПАН системасида самарадорлик 96,81 % гача етмоқда. Ҳарорат ортиши билан самарадорлик деярли ўзгармайди. Самарадорликни деярли ўзгармаётганлигининг сабаби ингибиторларнинг металл юзасига физикавий ва кимёвий адсорбция таъсирида бирикаётганлигидир. НФМФК+Унифлок системасида самарадорлик 98,32 % гача етмоқда. Бу эса кўп компонентли ингибиторларни юқори ҳароратларда ҳам самарали қўллаш мумкинлигидан далолат беради.

Кейинги тажрибаларда мана шу мақбул таркибдан фойдаланилди. Икки компонентли ингибиторларнинг коррозия жараёнларидаги самарадорлиги ҳам турли усулларда ўрганилди ва коррозия ҳамда ингибирлаш жараёнларининг

4-жадвал

Икки компонентли ингибиторларнинг пўлат электрод юзасига адсорбцияланиш жараёнининг термодинамик функциялари

Ингибитор	T, K	$\Delta G_{\text{адс}}$, кЖ/моль	$\Delta H_{\text{адс}}$, кЖ/моль	$\Delta S_{\text{адс}}$, Ж/моль·К
ОПМФК+ГИПАН	293	-32,51	-4,51	95,6
	303	-33,47		
	313	-34,42		
	323	-35,38		
ТГМФК+ГИПАН	293	-32,67	-7,24	86,7
	303	-33,47		
	313	-34,42		
	323	-35,24		
НФМФК+Унифлок	293	-32,22	-4,04	96,2
	303	-33,19		
	313	-34,15		
	323	-35,11		

кинетик ва термодинамик параметрлари аниқланди. Ишлаб чиқилган икки компонентли системалар қўлланилганида коррозия жараёни фаолланиш энергиясининг қийматлари индивидуал бирикмаларникига нисбатан ортиши ва стандарт Гиббс энергияси қийматларининг камайиши (4-жадвал) уларнинг самарадорлиги ортганлиги ҳақида далолат беради.

ХУЛОСАЛАР

1. Синтез қилинган бирикмаларнинг квант-кимёвий тавсифларини аниқлаш асосида ингибирлаш жараёнига масъул бўлган фаол марказлар кўрсатилди.
2. Ингибирланган системаларда тормозланиш коэффициенти, коррозиядан ҳимоялаш даражаси, электрод сиртининг қопланиш даражаси ва адсорбция жараёни мувозанат константасининг турли омилларга боғлиқлиги кўрсатиб берилган.
3. Икки компонентли “полиэлектролит-фосфон кислотаси ҳосилалари” системасида эквимоляр нисбатларда синергетик эффект мавжудлиги кўрсатилган.
4. Тадқиқ қилинган бирикмаларда “полимер асосидаги икки компонентли системалар < госсипол ҳосилаларининг супрамолекуляр комплекслари < индивидуал бирикмалар” қаторида ингибирлаш самарасининг камайиб бориш қатори кўрсатиб берилган.
5. Коррозияни ингибирлаш жараёнининг термодинамик функцияларини Аррениус бўйича ва транзит ҳолат усулида ҳисобланган. Адсорбция жараёни кинетик параметрлар ва термодинамик функциялар орқали изоҳланган.
6. Органик бирикмалар ва уларнинг композициялари асосида ишлаб чиқилган металллар коррозиясининг ингибиторлари Муборак газни қайта ишлаш заводида амалиётга жорий этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.03/30.12.2019. К.01.03 ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

АЗИМОВ ЛАЗИЗБЕК АЗАМАТ УГЛИ

**ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИНГИБИРОВАНИЯ КОРРОЗИИ
СТАЛИ В ПРОЦЕССЕ ОЧИСТКИ ГАЗОВ АМИНАМИ**

02.00.04– Физическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.4.PhD/K232.

Докторская диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу ik-kimyo.nuu.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель: Акбаров Хамдам Икрамович
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: Кутлимуротова Нигора Хакимовна
Доктор химических наук, доцент

Бердимуродов Элёр Тухлиевич
Доктор философии (PhD) по химии, доцент

Ведущая организация: Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится « 18 » 12 2021 г. в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019. K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (998 71) 246-07-88; (998 71) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № 130). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24.)

Автореферат диссертации разослан « 6 » 12 2021 г.

(протокол рассылки № 18 от « 6 » 12 2021 г).

**З.А. Сманова**
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

Д.А. Гафурова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.х.н.

**М.Г. Мухамедиев**
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире в различных областях промышленности одной из актуальных проблем является создание ингибиторов и антикоррозионных покрытий с целью предотвращения и сохранения металлов от коррозии. При этом основное внимание уделяется экологически безопасным, отвечающим экономическим требованиям местным сырьевым ресурсам. Отказываясь от индивидуальных, все возрастает интерес к разработке многокомпонентных ингибиторов на основе отходов промышленности и вторичных продуктов, а также созданию «зеленых» ингибиторов на основе природных соединений. Поэтому создание ингибиторов коррозии и антикоррозионных покрытий представляет важный интерес.

В мире ведутся научные исследования по изучению физико-химических особенностей ингибирования, определению механизма таких процессов. При определении термодинамических функций ингибирования коррозии металлов, выяснении возможности применения различных адсорбционных моделей в процесс ингибирования коррозии, установлении зависимости ингибирования коррозии металлов от их химической природы и присутствия второго компонента важное значение имеет использование электрохимических методов.

В Узбекистане в годы независимости разработаны всеобъемлющие программы по внедрению современных технологий в различные отрасли производства. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан отмечены важные задачи в направлении «подъема промышленности путем перехода на высокую степень качества, дальнейшая интенсификация производства готового продукта путем глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, освоение производства новых видов продукции и технологий»³. Поэтому важное значение имеет создание ингибиторов и антикоррозионных покрытий на основе местного сырья.

